

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

99 Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2766

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 29 февраль,
11-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 29 февраль,
2016-08-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги
11, 2016-08-сон қарорига
ИЛОВА

**Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган
хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва
дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин,
дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни
ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида (бундан буён матнда қайта ишлашга берилган хом ашё деб юритилади) ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси (бундан буён матнда тайёр нефть маҳсулотлари деб юритилади) ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қайта ишлашга берилган хом ашё асосида тайёр нефть маҳсулотларни олувчи нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензияга эга бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ушбу тоифадаги юридик шахслар транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тайёр нефть маҳсулотларини охириги истеъмолчиларга реализация қилганда ёки ўз эҳтиёжлари учун ишлатганда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

2. Солиқ солиш тизимидан қатъи назар (солиқ солишнинг умумбелгиланган ёки соддалаштирилган тартиби), ўз эҳтиёжи учун тайёр нефть маҳсулотларини олувчи қайта ишлашга берилган хом ашёнинг юридик шахс бўлган мулкдорлари қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчилардир.

**2-боб. Солиқ солиш объекти.
Солиқ солинадиган база. Солиқ даври.**

3. Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари солиқ солиш объектидир.

4. Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотларининг натура ҳолидаги олинган ҳажми солиқ солинадиган базадир. Олинган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми нефтни қайта ишловчи заводлар томонидан солиқ даври учун ёзиб берилган қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида аниқланади.

5. Йил оyi солиқ давридир.

**3-боб. Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб
чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича
транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва
газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб
чиқариш ва тўлаш**

6. Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

7. Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари миқдори транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисобга олган ҳолдаги тайёр нефть маҳсулотларининг чакана нархлари доирасида шаклланади.

8. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари миқдори мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ аниқланади.

9. Тайёр нефть маҳсулотларининг ҳисоб-китоб нархлари нефтни қайта ишловчи заводлар томонидан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$X = (K + X) / V, \text{ бу ерда:}$$

X — тайёр нефть маҳсулотларининг ҳисоб-китоб нархи;

K — қайта ишлашга берилган хом ашёнинг қиймати (етказиб бериш билан боғлиқ транспорт харажатлари, суғурта, божхона тўловлари, воситачининг харажатлари ва қайта ишлашга берилган хом ашёни етказиб бериш билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қайта ишлашга

берилган импорт хом ашёсининг қиймати, шунингдек қайта ишлашга берилган хом ашёнинг мулкдорларигача тайёр нефть маҳсулотларини етказиб бериш бўйича харажатлар);

Х — қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш бўйича хизматлар (тайёр нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ишлар қиймати, ишлаб чиқариладиган тайёр нефть маҳсулотларига акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи);

У — қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми (тоннада).

Бунда, нефтни қайта ишловчи заводлар қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномасига берилаётган тайёр нефть маҳсулотининг 1 тоннаси учун ҳисобкитоб нархи кўрсатилган ҳужжатни илова қиладилар.

10. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олиннадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

Агар ҳисобот солиқ даврида солиқ солиш объекти юзага келмаса ҳисобкитоб ушбу солиқ даврига тақдим этилмайди.

Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олиннадиган солиқни тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

11. Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олиннадиган солиқнинг суммаси солиқ тўловчининг давр харажатлари таркибида ҳисобга олинади.

12. Нефтни қайта ишловчи заводлар воситачилик шартномалари асосида импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этадилар.

4-боб. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги ва давлат солиқ хизмати органларининг назорати

13. Солиқ тўловчилар қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олиннадиган солиқни тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

14. Давлат солиқ хизмати органлари қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотлари ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадilar.

Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари
МИҚДОРИ**

сўм

Т/р	Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотининг ҳисоб-китоб нархи (1-тонна учун)	Ставка миқдори (1 тонна учун)
Автобензин (Аи-80)		
1.	2 353 979 гача	445 000
2.	2 353 980 дан 2 453 979 гача	400 000
3.	2 453 980 дан 2 553 979 гача	300 000
4.	2 553 980 дан 2 653 979 гача	200 000
5.	2 653 980 дан 2 753 979 гача	100 000
6.	2 753 980 сўм ва юқориси	0
Автобензин (Аи-91, 92, 93)		
1.	2 559 884 гача	445 000
2.	2 559 885 дан 2 659 884 гача	400 000
3.	2 659 885 дан 2 759 884 гача	300 000
4.	2 759 885 дан 2 859 884 гача	200 000
5.	2 859 885 дан 2 959 884 гача	100 000
6.	2 959 885 сўм ва юқориси	0
Дизель ёқилғиси		
1.	2 327 674 гача	407 025
2.	2 327 675 дан 2 427 674 гача	400 000
3.	2 427 675 дан 2 527 674 гача	300 000

сўм

Т/р	Қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тайёр нефть маҳсулотининг ҳисоб-китоб нархи (1-тонна учун)	Ставка миқдори (1 тонна учун)
4.	2 527 675 дан 2 627 674 гача	200 000
5.	2 627 675 дан 2 727 674 гача	100 000
6.	2 727 675 сўм ва юқориси	0
ЭКО Дизель ёқилғиси		
1.	2 410 944 гача	407 025
2.	2 410 945 дан 2 510 944 гача	400 000
3.	2 510 945 дан 2 610 944 гача	300 000
4.	2 610 945 дан 2 710 944 гача	200 000
5.	2 710 945 дан 2 810 944 гача	100 000
6.	2 810 945 сўм ва юқориси	0

Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

СТИР

варақ

Ҳужжат тури / Солиқ даври ой Календарь йил

Ҳужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — аниқлаштирувчи (каср орқали аниқлаштирув рақами)

**Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчиси ҳақидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

Юридик шахснинг тўлиқ номи _____

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Юридик шахснинг жойлашган ери _____
Почта манзили _____

Телефон: код рақам

Ушбу Ҳисоб-китоб <input type="text"/>	варақда тузилган, унга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар <input type="text"/>	варақда Ўлчов бирлиги <input type="text"/>
--	--	--

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

_____ га тақдим этилади.
(юридик шахснинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Мазкур Ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Мазкур Ҳисоб-китоб (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали
Ф.И.Ш. _____	<input type="text"/> варақда тақдим этилди
Имзо _____	
Бош бухгалтер	Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
СТИР <input type="text"/>	этилган сана _____ (кк/оо/йй)
Ф.И.Ш. _____	Ф.И.Ш. _____
Имзо _____	Имзо _____
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
(кк/оо/йй)	

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

варақ

0	2
---	---

Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҲИСОБ-КИТОБИ

Қўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси кесимида (далолатноманинг рақами ва санаси, бензин ва дизель ёқилғисининг маркази кўрсатилади*)					
			4	5	6	7	8
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Қайта ишловчидан олинган тайёр нефть маҳсулотининг ҳажми (тоннада):	010	x	x	x	x	x	x	x
бензиннинг	011							
дизель ёқилғисининг	012							
2. Тайёр нефть маҳсулотининг ҳисоб-китоб нархи (1 тоннаси учун сўмда):	020	x	x	x	x	x	x	x
бензиннинг	021	x						
дизель ёқилғисининг	022	x						
3. 1-тонна учун белгиланган транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкаси:	030	x	x	x	x	x	x	x
бензин бўйича	031	x						
дизель ёқилғиси бўйича	032	x						
4. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси — жами, шу жумладан (041-сатр + 042-сатр):	040							
бензин бўйича (011-сатр x 031-сатр)**	041							
дизель ёқилғиси бўйича (012-сатр x 032-сатр)**	042							

* агар битта далолатномада бензин ва дизель ёқилғисининг ҳар хил маркази кўрсатилган бўлса, у ҳолда ушбу устунлар ҳар бир марка бўйича алоҳида тўлдирилади.

** 041 ва 042-сатрларнинг 3-устуни ушбу сатрларнинг 4-... устунлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

_____ йилнинг _____ да _____
(йил) (ой) (нефтни қайта ишловчи заводнинг номи)

**воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб
чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Қайта ишлашга берилган хом ашёнинг мулкдори тўғрисидаги маълумотлар		Қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномасининг рақами ва санаси		Жўнатилган тайёр нефть маҳсулотининг номи ва маркаси	Жўнатилган тайёр нефть маҳсулотининг ҳажми (тоннада)	Тайёр нефть маҳсулотининг 1 тоннаси учун ҳисоб-китоб нархи (сўм)
	Номи	СТИР	рақами	санаси			
1.							
2.							
...							

Изоҳ:

Ушбу маълумотларда мазкур Низом татбиқ этилмайдиган юридик шахслар кўрсатилмайди.

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.